

**Journal of Social Research in Uzbekistan**


**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:  
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>


**THE ROLE OF CIVIL SOCIETY IN COMMUNITY AND FAMILY SOCIAL PROTECTION****M. Rokhataliev***Lecturer**Tashkent State Technical University named after I. Karimov**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** neighborhood, citizen, kindness, love, culture, morality, blessing, race, generation, law, democracy, perfection, upbringing.

**Received:** 03.05.22**Accepted:** 05.05.22**Published:** 07.05.22

**Abstract:** In this article, in the process of building a legal, democratic and civil society in our country today, the morality of parents, family relationships, love of children play an important role in determining the neighborhood and family culture. relationship. The fact that the neighborhood and the family have children, bring up the child from this place, the help of future citizens of the society, the invaluable responsibility is a blessing based on evidence.

**ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ****M. Roxatalliev***Ўқитувчи**И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** маҳалла, фуқаро, меҳр, муҳаббат, маданият, ахлоқ, неъмат, расо, авлод, ҳуқуқ, демократия, камолат, тарбия.

**Аннотация:** Ушбу мақола ҳозирги даврида мамлакатимизни ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятининг бунёд этилаётган жараёнда, маҳалла ва оилавий муносабатлар маданиятининг барқарор бўлишида ота ва онанинг одоб ахлоқи, оилавий муносабати, фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббати муҳим ўрни аҳамияти кўзда тутилади. Маҳалла ва оила бор экан, фарзанд бошланғич тарбияни шу даргоҳдан олиши фуқаролик жимияти олдидаги долзарб маъсулияти бебаҳо неъмат фактлар асосида ёритилган.

## РОЛЬ ПСИХОЛОГИИ В УКРЕПЛЕНИИ СЕМЬИ

*М. Рохаталиев**Преподаватель**Ташкентский государственный технический университет имени И.Каримова**Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** соседство, гражданин, доброта, любовь, культура, нравственность, благо, раса, поколение, закон, демократия, совершенство, воспитание.

**Аннотация:** В данной статье в процессе построения правового, демократического и гражданского общества в нашей стране сегодня важную роль в определении добрососедства и семейной культуры играют нравственность родителей, семейные отношения, любовь к детям. Тот факт, что у соседей и семьи есть дети, воспитывают ребенка из этого места, помощь будущих граждан общества, неопределяемая ответственность является благом, основанным на доказательствах.

## КИРИШ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган ҳозирги даврда маҳалла ва оилавий муносабатлар маданиятининг барқарор бўлиши, ота билан онанинг ахлоқи, одоби, ўзаро муносабати, фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббати муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамият куриш келажак ёшлар, солиҳ фарзандлар қўлидадир. Ёш авлод эса оилада бошланғич тарбияни олади ва камол топади. Маҳалла ва оилада ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдикки, бу ёруғ дунёда жамият таянчи оила бўлар экан доимо маҳалла ақли олдида долзарб маъсулият бўлади. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва истак интилишлар билан яшашни хоҳлайдилар. Демак, оиладаги фарзанд неъмат, улар тарбиясидаги ота-онанинг масулияти ғоят юксакдир. Айни вақтда фарзандларнинг ота-онани рози қилиши муҳимдир. Маҳалла ва оила ҳимояси доимо фарзанд тарбиясидан бошланади. "Кимки, ота-онасини рози қилса, унга Тубо (жаннатдаги дарахт) насиб бўлади ва Аллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади". Ҳадисларнинг бирида оилада она табаррук зот ҳисобланиб, у ҳаётнинг боши, фарзанд маънавиятининг асосий ижодкоридир. Ота-оналар учун ўз фарзандларини тарбиялаш, вояга етказишдек бурчдан кўра масъулиятлироқ вазифа йўқ. Фарзанд эса, бугунги кун вориси, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги. Оилада она фарзандлари учун ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради, уларни сабр-тоқат билан енгиб ўтади. Бир парча гўштдан етук инсонни тарбиялаш, уни камолотга етказишнинг қанчалик қийинлигини тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Оналар кеча-кундуз фарзандларини тарбиялаш билан банд бўлиб, баъзан ўзини ҳам унутиб қўяди. Аёл киши аввало ўз

фарзандига мурувват кўрсатади. Оналарни рози қилиш фарзандларнинг муқаддас бурчидир. Тарбиячилар таъбири билан айтганда: "Табиат азиз аёлларимизга муносилик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир". Она жамиятга ҳам аҳиллик, тинчлик бағишлайди. Қадимда аёлларни хўрлаш ахлоқсизлик деб қаралган. Мустақил Ўзбекистон Республикасида 1999 йил "Аёллар йили" деб белгиланди. Бу аёлларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ифодасидир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Мустақил Республикамизда қабул қилинган фармон ва қонунларда аёллар масаласига, уларни кадрлашга катта эътибор берилгани бежиз эмас. Бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Биз аёллар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, аёл ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган мураббий эканини тан олишимиз зарур. Буюк мутафаккир Алишер Навоий "Ҳайратул - аброр"ида: киши учун ота ва она нақадар мўътабар эканини англаиб "Икки жаҳоннинг тиласанг нурфос, бирисин ой англа, бирисини қуёш" деб таълим берган эди "Арбаин"да эса она қадрини ғоят улуғ тутиш кераклигини таъкидлаб, бундай деб ёзади: Оналарнинг оёғи остидадур, равза жаннату жинон боғи. равза боғи висолин истар эсанг, бўл онанинг оёғи тупроғи. Аёл бамисоли ҳаётдир, унда ахлоқ-одоб фазилатлари улуғи бўлиб, ҳар қандай нафсий бузуклардан қочади. Аёлнинг ҳаёси инсон ҳаётининг беағи, зийнати ҳисобланади. Ҳаё, имон, гўзал хулққа эга бўлган аёл оиланинг маънавий тимсолидир. Ҳаё имондадир, имон эса жаннатга элтади. Ҳаё аёл қалбида, туйғусида ташқи кўринишида намоён бўлувчи, ифбат ва назокатни оширувчи ақл-фаросат гулшанини безовчи тоза гулдир. Ривоят қилишларича, "Ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл ҳам бор экан. Уларни ўлимга олиб кетишиётганида ҳалиги аёл йўлда ип ва нина беришларини сўрабди. Нима қиласан ипу нинани? – сўрабди жаллодлар. Тиззамнинг ёнидан чоки сўкилибди, шуни чандиб олай, - дебди аёл. Ахир сен ҳозир ўласан-ку! – дебди посбонлар. Мен аёлман, шарми-ҳаёимни сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ олдида аёлдай чиқишим керак", дебди аёл.

Ҳаёли аёл оиланинг номуси, эрининг ҳузур-ҳаловати, фарзандларининг меҳрибони, одамларнинг дуру гавҳаридир. Ҳаёли аёл хонадон равнақидир. Зеро, у оила аъзоларини тушунади, осойишталик билан иш олиб боради. Оиланинг аччиқ-чучугига чидаб, меҳр ва ишонч билан яшайди. Бундай аёлларни халқимиз ҳаёли ва вафоли деб билишади. Уларга

хурмат билан қарашади. Аёлларга эркеклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак, дейилиши бежиз эмас, албатта.

Оила, аёл тушунчаларини бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмайди. Жамият ҳаётини аёлларсиз тасаввур қилиш қийин. Оилани оила қиладиган ҳам аёлдир. Жамиятга, оилага файзу баракот киритадиган куч ҳам мўътабар аёлларимиздир. Аёлларни Шарқда бамисоли фариштага ўхшатишган. Оналар жамиятда миллий, исломий кадриятларимиз, анъаналаримизга амал қилиб яшайди, фарзандлар тарбиялайди. Она фарзанд кўришидан ташқари ўз фарзандини бахтли бўлиб етишишини ўйлайди. Уларга ҳаёт сирларини ўргатади. Бу эса, фарзанд маънавиятининг асосий куртаги ҳисобланади. Она меҳри фарзанд мустақил оёққа туриши билан тугалланмайди, балки бир умр давом этади. Она учун фарзанди катта ёшда бўлса ҳам боладек кўринади. Оналар фарзандларга насиҳат қилади; яхши ишлари учун мактаб, ёмон ишлар учун койиди. Оналар ҳаётдан кўз юмаётган вақтларида ҳам ўз фарзандларига васиятлар қилади. Қуёш ерга нур сочиб, ҳамма мавжудотларга ҳаёт бағишлаганидек, она меҳри ҳам фарзанд қалбини ёритади. У ўзининг чексиз меҳрибонлиги билан киши қалбини бир умр ёритиб туради. Шоир Муҳаммад Али бундай деб ёзади:

"Биринг икки бўлсин нима ушласанг,  
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.  
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,  
Мен дуо қиларман умрим борича".

Она эзгу ниятларини дуо қилиш билан ҳам баён этади. Ота -боболаримиз эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деб бежиз айтишмаган. Фахр-ул-Банот Сибғатуллоҳ қизи таъкидлайди: "Бир хоним унинг идора қилувида исроф этувчи бўлса эрини ранжитиши маълум, ўзи ҳам торлиққа тушиб машаққат чекадир. Эр исроф қилувчи бўлганда ҳам хотин уни яхши тута билувни ўрганмоғи, егуликларни ва бошқа нарсаларни режалаб турмоғи, нарса қўйтурғон жойни бекитиб тутмак керак". Ҳақиқатан, яхши, оқила хотин фарзандларидан ташқари ўзининг тарбия кўрганлиги, ҳалоллиги, рўзғорпарварлиги билан эрни ҳам тарбиялайди. Эркак киши оила бошлиғи бўлгани сабабли, у кўпроқ ишда бўлади. Оиладаги соғлом маънавий муҳитни асосан аёллар яратади. Ҳадисларда ҳам бу фикр келтирилади: "Бахтсизлик хотинда, хонадонда ва отадаур", дейилади. Шу сабабли ҳам халқ ичида "яхши хотин-бахту олтин", деган ҳикматли сўз бор. Она меҳри, гўзаллиги, маънавий кучи жиҳатидан беқиёс ва бетакрордир. Донолар айтганидек, саҳийлик бобида, ҳатто, қуёш ҳам она меҳрибонлиги олдида ожизлик қилади. Тонг, баҳор гўзаллигини ҳам она меҳрибонлиги билан таққослаб бўлмайди. Зеро, оламда онадан кўра садоқатли, меҳр-мурувватлироқ иккинчи бир инсон йўқ. Онага бўлган хурмат ва муҳаббатни оналик меҳри

шакллантиради. Фарзанд бир умр онадан қарздордир. Аммо бу қарзни узиб бўлмайди. Уларнинг берган тарбияси ижтимоий мазмун-моҳиятга эга.

Оналик меҳри фарзанд қиёфасидагина эмас, балки жамият тараққиётида ҳам ўз аксини топади. Етук маънавиятли она жисмонан соғлом ва маънавий баркамол инсонни тарбиялайди. Она меҳри чексиз, беғараз ва беқиёсдир. Оғир дамларда она ўзини унутса унитиши мумкин, бироқ фарзандини асло унутмайди. Халқнинг, "Дунё тор бўлганда ҳам, она меҳри кенг бўлади", деган нақли ҳаёт фалсафасини, аёлларнинг ички дунёсини чуқур билиш билан боғлиқ бўлган буюк ҳикматдир. Онани боғбонга қиёслаш ҳаётнинг мазмунини билдиради. Боғбон кечаю кундуз мевали дарахтларни парваришлаганидек она ҳам ўз фарзандига тарбия беради. Инсон шахси ва унинг фазилатларини улуғлайди, уни ер юзидаги жонзотлар ичидаги энг юксаги - аълоси ҳисоблайди Ҳадисда Абу Ҳурайра (Рз): Расулulloх (с.а.в.): Ширин сўз – садақадир – дейдилар.

Бу фазилатдан маҳрум бўлган аёллар она деган шарафли номга асло муносиб эмас. Айрим аёллар баъзан ўзларининг буюк оналик фазилатларини тўла тасаввур этолмайдилар. Оила барқарорлиги, унинг аҳиллиги ва фарзандлар тарбиясига жамият юклаган вазифа, муқаддас бурч деб қарамайдилар. Бундай оналар ўз фарзандларига яхши тарбия беришга, оила барқарорлигини қадрлашга ҳам кодир эмас. Олимларнинг фикрича, "Ҳар бир оиланинг турмуш тарзи даражаси эр-хотин, айниқса, аёлнинг оилавий турмуш, унинг моҳияти, ундаги маънавий муҳит ҳақидаги тасаввурлари қай даражада шаклланганлигига бевосита боғлиқ", деган фикрларига қўшиламыз.

## ХУЛОСА

Виждонли, иймонли оналар бағрида етилган, аллаларини тинглаб тарбияланган барча фарзандлар азиздир. Ҳар бир она ўз фарзандларига, "Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи", деган маънавий мезон асосида ёндашади. Оналик бурчи ва қадрини олиму фозиллар ўз асарларида яққол кўрсатиб берганлар. Она ҳақиқий тарбиячи, табиб, олиҳиммат, серсаховат ва дуоғўй зотдир. Оила муҳитида фарзандларнинг бири чиройли, бири хунук, бири инжик, бири мулойим, мўмин-қобил бўлиши мумкин. Аммо оналар учун уларнинг барчаси бирдир. Бундай маънавий бойликни фақат оналаргина чуқур ҳис қила оладилар. Она қалбини она билади. Бу бурч ҳам табиий, ҳам ижтимоий-маънавий омилларнинг бирлигидан иборатдир. Оналарнинг буюк фазилатлари Шарқ аёлларида яққол кўзга ташланади. Шарқ оиласида она инсоф-имонлилиги, ҳаёси, иффати, ор-номуси, рўзғорни тушуниши, фарзандларига меҳрибонлиги, эрига садоқати билан ажралиб туради. Бу борада миллий, диний анъаналар, қадриятлар ўзбек аёлларининг маънавий оламига чуқур сингиб кетган. Ўзбек оиласи болажон оила ҳисобланади. Олимлар айтганидек, "Ҳар бир саодатли келин ўз қадриятларимизни, анъаналаримизни ота-боболаримиз, момоларимиз қолдирган удумларни

билиши, ўғитларга риоя қилиши, билганларини бошқаларга ўргатиши ҳам фарз, ҳам қарзидир". Ўзбекларда "Онасини кўриб қизини ол", деган нақл бор. Она ақлли-хушли бўлса, ана шу оила барқарор, аҳил бўлиб гуллаб-яшнаши мумкин. Аммо она ифбатсиз, шарм-хаёсиз, андишасиз бўлса, оилада вазият оғир бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб Ал-муфрад (Одоб-ахлоққа оид ҳадислар). –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти – матбаа бирлашмаси, 2008. Б-5.
2. Аёлга эҳтиром. // Таҳрир хайъати: Р.Шоғуломов ва бошқалар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Б-60.
3. Алишер Навоий. "Назм-ул-Жавоҳир", "Арбаин". -Тошкент:Ғофур Ғулом нашриёти. 1968. Т.15. Б-6.
4. Ҳайдаров Н. Аёл – шарм-ҳаё белгиси. // Маърифат. 1993 йил 29 сентябр. Б-3.
5. Муҳаммад Али. Она дуоси. –Тошкент: Ёзувчи. 1994. Б-12.
6. Фаҳр-ул-Банот Сибғатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари. -Тошкент: Ёзувчи, 1993. Б-65.
7. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: Ҳадис Ал-Жомий ас-Саҳиҳ: (Ишонарли тўплам): II китоб / Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. - Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1995. Б-393.
8. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий: Саҳиҳи Бухорий: Ҳадис Ал-жомий ас-саҳиҳ. (Ишонарли тўплам): II Китоб. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедия давлат илмий нашриёти. 2008, -Б. 379.